

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**524** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2294*

*(2011 йил 22 декабрдан кучга киради)*

Давлат реестридан чиқариладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўйича 2011 йил 6 декабрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 1997 й., 10-сон, 33-модда) ва 2000 йил 19 майдаги 197-сонли «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 5-сон, 26-модда) қарорларига асосан, шунингдек Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2011 йил 9 ноябрдаги ТН-08/972-сон хатини инобатга олган ҳолда **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан 2000 йил 16 ноябрда ДЖ-07/533-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1997 йил 15 майда 344-сон билан рўйхатга олинган Ишчи ва болаларни соғломлаштириш учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига йўналтириладиган ижтимоий суғурта маблағларини ҳисобга олиш ва сарфлаш, суғурта бадалларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-сон ўзгартиришлар ва қўшимчалар (рўйхат рақами 344-1, 2000 йил 6 декабрь) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда мазкур давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқарилганлигини ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ушбу ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идорала-

ри норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестридан чиқарилганлигини ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

**Вазир****Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 12 декабрь,  
268-мх-сон